

ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА БУХОРО ТАЖРИБАСИ

"Заковат бор жойда улуглик бўлади"

Юсуф Хос Ҳожиб



Сифатли таълим мамлакат иқтисодий ўсиши, инновацион тараққиёти ва ижтимоий барқарорлигини белгилайдиган энг муҳим омил.

“Прокурор соврини” фан олимпиадаси Бухоро вилояти прокуратураси, Халқаро Нордик университети ва IDC таълим маркази ҳамкорлигида умумтаълим мактабларида таълим сифати ва ўқитувчилар малакасини оширишга қаратилган самарали лойиҳа.



Мақсад – Президентнинг “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси

Халқаро тажриба асосида ёндашув

Бухоро тажрибасининг методик асоси – Финляндия, Швеция, Сингапур, Япония, Жанубий Корея, Германия, Нидерландия, Канада каби ривожланган давлатлар таълим амалиёти, ўқитувчилар нуфузини ошириш, STEM таълимини қўллаб-қувватлаш ва таълимда тенглик тамойиллари.



Олимпиадалар статистикаси ва натижалар

Бухоро вилоятида:

2024 йил 10 май – математика фани ўқитувчилари орасида:

1376 нафар иштирокчи, 48 нафар финалчи.

1-ўрин соҳиби **Беҳруз Аvezов** Финляндияда стажировкага бориб келди.

2025 йил 22 февраль – математика ва физика ўқитувчилари орасида:

2372 нафар иштирокчи, 98 нафар финалчи.

Ғолиблар Финляндия ва Швецияда малака ошириш имкониятига эга бўлдилар.



Лойиҳанинг кенгайиши

Фарғона вилояти (2025 йил июль):

6000 дан зиёд ўқитувчи, 105 нафар финалчи.

2 нафар устоз хорижий стажировка

йўлланмасини олди.



Қашқадарё вилояти (2025 йил сентябрь):

4073 нафар иштирокчи, 106 нафар финалчи.

Математика ва физика бўйича 1-ўрин
соҳиблари хорижий малака ошириш
курсларига юборилди

Бухоро тажрибаси:

- педагогларни доимий изланиш ва малака оширишга ундади;
- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ фанларга қизиқишини кучайтирди;
- халқаро тажрибаларга интеграцияни тезлаштирди;
- ҳудудларда таълим сифати оширишга қаратилган рақобат муҳит яратилди.



Тажрибани республикада кенг жорий этиш таклифлари

1. Марказлаштирилган координация ва ҳамкорлик – Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги, республика ва вилоят прокуратуралари, Халқаро Нордик университети ҳамда IDC таълим маркази, ҳудудлардаги таълим муассасалари ҳамкорлигида ягона тизимли ёндашув ишлаб чиқиш;
— Нодавлат ташкилотлар, хусусий сектор ва халқаро таълим институтларини ҳам жалб қилиш.

2. Босқичма-босқич жорий этиш

- * Дастлаб вилоятларда пилот тарзида, сўнг барча ҳудудларда оммалаштириш.
- * Олимпиада натижаларини ҳудудий таълим рейтинглари билан интеграция қилиш.

3. Фан доираларини кенгайтириш

- * Математика ва физика билан чекланмасдан, бошқа фан йўналишларида ҳам ўтказиш.
- * Ҳар бир ҳудуддан ТОП–50 педагогни саралаб, уларни хорижий стажировкаларга юбориш.

4. Рағбатлантиришни кучайтириш

- * Ғолибларга хорижий малака ошириш, молиявий мукофот, академик имтиёзлар бериш.

5. Технологик ва методик қўллаб-қувватлаш

- * Онлайн олимпиадалар, масофавий билим олиш ва малакаларни баҳолаш платформаларини жорий этиш.* Илғор методикалар бўйича махсус семинарлар ташкил этиш.
- * Устозларнинг муваффақият ҳикояларини кенг тарғиб қилиш.

"TASIMO-2025"

II ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МАТЕМАТИКА ОЛИМПИАДАСИ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- Халқаро Нордик университети
- IDC таълим маркази
- Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
- Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
- Болалар Омбудсмани
- Жаҳон банки,
- UNICEF
- Rowan University (АҚШ), Karelia AMU (Финландия)
- UzReport Ахборот агентлиги



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR
VAZIRLIGI




МАКТАБГАЧА
ВА МАКТАБ
ТА'ЛИМИ VAZIRLIGI



ТАНЛОВ СТАТИСТИКАСИ

1-босқич: 500 000+ ўқувчи
2-босқич: 2 983 иштирокчи → 150 финалчи

Хориж: 48 давлатдан
850 ариза → 242 финалчи



ТАШАББУС ҲАҚИДА

• TasIMO ёшларни илмга йўналтирувчи глобал платформа.

• Таълимга илғор тажрибаларни олиб кирмоқда.

• Ўзбекистон ёшларини халқаро майдонга олиб чиқмоқда.



"ЭРКИН ВОҲИДОВ" НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА "Э ВОҲ" ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАН ОЛИМПИАДАСИ

1. Тадбирнинг умумий мақсади

"Э воҳ" республика олимпиадаси – она тили ва адабиёти фанини чуқур ўрганиш, истеъдодли педагогларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ҳамда миллий тил маданиятини тарғиб қилишга қаратилган йирик маданий-маърифий ташаббус



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҚАРОРИ билан ҳар йили ўқитувчилар ўртасида "Э Воҳ" олимпиадасининг ўтказилиши белгиланди.

АСОСИЙ МАҚСАДЛАР:

- 1 - мақсад — Ўзбек тилига бўлган қизиқиш ва ҳурматни янада ошириш;
- 2 - мақсад — Иқтидорли ўқитувчи ва ёшларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш;
- 3 - мақсад — Тил ва адабиёт таълими сифатини ошириш;
- 4 - мақсад — Давлат тилининг халқаро миқёсдаги нуфузини мустаҳкамлаш.

ИШТИРОКЧИЛАР СОНИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ

2025 йил 12 октябрь куни ўтказилган онлайн босқичда 10 507 нафар талабгор-устозлар рўйхатдан ўтган. Худудлар бўйича маълумотлар:

Фарғона вилояти – 3 451

Бухоро вилояти – 1 000

Тошкент шаҳри – 806

Навоий вилояти – 718

Наманган вилояти – 576

Тошкент вилояти – 564

Андижон вилояти – 529

Самарқанд вилояти – 485

Қашқадарё вилояти – 442

Сурхондарё вилояти – 434

Сирдарё вилояти – 431

Хоразм вилояти – 429

Жиззах вилояти – 298

Қорақалпоғистон Республикаси – 247

Биринчи босқичда 1 419 нафар ўқитувчи қатнашган, шундан 1 055 нафари топшириқларни муваффақиятли яқунлаган. Якуний натижага кўра, энг юқори балл тўплаган 14 та худуддан 79 нафар финалчилар танлаб олинди.





MAKTABGACHA
VA MAKTAB
TARBIYASI VAZIRLIGI



TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



5 000 000 so'm
pul mukofoti

30 000 000 so'm
pul mukofoti

10 000 000 so'm
pul mukofoti

20-октябр куни Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Green Hills Resort" масканида олимпиада ғолибларини тақдирлаш маросими ва "Ўзбек тили байрами" фестивали бўлиб ўтди.

ОЛИМПИАДАДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЛАЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛГАН:



Телеграм: @tashkent_imo

1. Телеграм дастури орқали **@tasimo_bot** га кириш.
2. "Имтихонни бошлаш" тугмасини босиш.
3. Юборилган олимпиада саволларини юклав олиш.
4. Жавоб калитларини катта ҳарфлар билан ёзиш, рақамлар ва ҳарфлардан сўнг жой ташламаслик.
5. Барча саволнинг жавобини киритиш шарт! Барчаси киритилмаса жавоб қабул қилинмайди.
6. Жавоб юборилгач тестларнинг жавобини кутиш ҳақида хабар кўринади.
7. Натижани **@tasimo_bot** дан хабар келгач, "Имтихон жавобини билиш" тугмасини босиб, кўриб олиш мумкин.

<http://olympiad.nordicuniversity.org/>

ОЛИМПИАДА ВЕБСАЙТИ

РЎЙХАТДАН ЎТГАН ИШТИРОКЧИЛАРНИ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ ТИЗИМИ

